




Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



Выпуск №82 (том 1)  
(март, 2026)



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №82 (том 1) (март, 2026).**

**Дата выхода в свет: 31.03.2026.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



## **ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ**

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ВНЕДРЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В БАНКОВСКИЙ НАДЗОР Пикова В.А., Соломенникова О.Д.	265
ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА БИЗНЕСДА ESG ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ - ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА Олтаев Ш.С.	280
ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР, БАНДЛИК ВА ИННОВАЦИЯЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	289
ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ЛОКОМОТИВИ СИФАТИДА Олтаев Ш.С.	297
ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМ ВА УНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ Олтаев Ш.С.	304
ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ИСЛОМ МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ Олтаев Ш.С.	311
МЕТОДЫ ЗАЩИТЫ БАНКОВСКОЙ ТАЙНЫ В АКБ «АБСОЛЮТ БАНК» ПАО Урусова А.Н.	318
<b>РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ</b>	
NOCHIZIQLI INTEGRAL OPERATORLAR QO'ZG'ALMAS NUQTALARI Umarov X.R., Muhammadiev M.M.	337



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ИСЛОМ МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада жаҳон молия тизимида ислом молия бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унинг инвестиция жараёнларидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Хусусан, ислом молия институтларининг глобал молия бозоридаги ўрни, исломий банклар, сукук, такафул ва бошқа молиявий инструментларнинг ривожланиш динамикаси ўрганилган. Шунингдек, жаҳон ислом молия активларининг ўсиш тенденциялари ҳамда ислом молия бозорида етакчи ўринни эгаллаган мамлакатлар таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари ислом молияси механизмларидан фойдаланиш инвестицияларни жалб қилиш ва миллий молия бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** ислом молияси, исломий банклар, сукук, такафул, молия бозори, инвестициялар, молиявий активлар, халқаро молия.

**Кириш.** Сўнгги йилларда ислом молия тизими жаҳон банк-молия тизимининг муҳим тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланиб бормоқда. Ислом молия институтлари ўз фаолиятида шариат қоидаларига асосланган молиявий инструментлардан фойдаланиши билан анъанавий молия тизимидан фарқ қилади.


Глобал иқтисодий беқарорликлар, хусусан “COVID-19” пандемияси шароитида ҳам ислом молия бозори барқарор ўсиш тенденцияларини намоён этмоқда. Бу эса ислом молия институтларининг инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутишини кўрсатади.



Шу нуқтаи назардан, ислом молия бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва унинг миллий молия бозорларида қўлланилиш имкониятларини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.


Бизга маълумки ислом молия тизими сўнгги йилларда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим тармоғи сифатида танилиб, йилдан йилга юқори кўрсаткичларга эришиб ўз мавқеини мустаҳкамлаб келмоқда. Глобал беқарорликлар ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти шароитида давлат учун стратегик аҳамиятга эга инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш давлатнинг муҳим сиёсатларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳозирги шароитда глобал инвестициялар оқими “COVID-19” инқирози сабабли 2020 йилда 1,54 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 40 фоизга қисқарган. Бу шароитда халқаро молиянинг исломий молия бозори сектори жадал ривожланмоқда ва ҳозирги вақтда ушбу сектор йилига 15 фоиздан 25 фоизгача ўсиб бормоқда. Ислом молия институтлари эса дунё бўйлаб умумий қиймати 3,9 триллион АҚШ долларида зиёд активларни бошқармоқда. Исломий молия оқимларининг ошиб бориши аксарият мамлакатлардан исломий молия оқимларини ҳам кенг жалб қилишни назарда тутувчи оқилона инвестиция сиёсати юритиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бунинг учун эса ислом молия бозорининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон ислом молияси активларини сегментлар бўйича 5 та гуруҳга ажратиб ўрганишимиз мумкин (2-расм).




1-расм. Жаҳон ислом молияси активлари динамикаси (млрд. АҚШ доллариди)217

Юқорида келтирилган 1-расмда жаҳонда ислом молия активларининг ўсиш тенденциясини кузатишимиз мумкин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал беқарорликлар кузатилган “COVID-19” даврларида ҳам ислом молия активларининг ўсиш ҳолати кузатилган. Шунингдек, 2026 йилга бориб унинг ҳажми 5.9 трлн. АҚШ долларига етиши тахмин қилинган.



2-расм. Ислом молия бозори сегментлари


Ислом молия бозорида исломий банклар етакчи ўринни эгаллайди. Сукук эса исломий қимматли қоғоз бўлиб унинг ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб борапти. Исломий фонд, такафул (исломий суғурта) ва бошқа исломий молия институтлари ислом молия бозори сегментлари таркибида кичик ҳажмга эга.



3-расм. Ислам молия активларининг сегментлари бўйича динамикаси (2021 йил ҳолатига млрд. АҚШ доллариди)

Юқоридаги 3-расмдан келиб чиқиб хулоса қилсак, ислом молия бозорида 2021 йил якунларига келиб исломий банклар активлари қарийб 2,8 трл. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ислом молия бозорида исломий банкларнинг таъсири юқори эканлигидан, ҳамда ликвид активлари ҳажмининг кўплигидан далолат беради.

2021 йил якунларига кўра ТОП-10 мамлакатлар кесимида ислом молия активларининг улушларини кўриб таҳлил қилиб чиқсак, унда Эрон, Саудия Арабистони ва Малайзия давлатларини кўришимиз мумкин (4-расм).





4-расм. Ислом молия активларининг ТОП-10 мамлакатлар бўйича динамикаси  
(2021 йил ҳолатига млрд. АҚШ доллариди)

Сўнги йилларда бир қатор мамлакатлар стратегик ривожланиш дастури доирасида “йўл харитаси” ни ишлаб чиқишган. Жумладан, Саудия Арабистонида 2030 йилгача молия секторини ривожлантириш дастури, Малайзияда 2022-2026 йилларга мўлжалланган молия сектори режаси, Индонезияда 2020-2025 йилларда исломий банкни ривожлантириш хариталарини келтириб утишимиз мумкин. Шунингдек, Қозоғистонда ҳам 2020-2025 ислом молиясини ривожлантириш бўйича режа ишлаб чиқилган. Унда 2025 йилга бориб жами исломий активлардаги улушини 3-5% га етказиш кўзда тутилган.

Бу эса Ўзбекистон молия бозорига ислом молия бозорида фаолият юритаётган исломий молия муассасалари активларидан самарали фойдаланиш юзасидан илмий ва амалий ишлар олиб бориш кераклигини ўзида ифодалайди.

Жаҳон молия бозорида ислом молия институтлари муҳим ўрин эгаллаб, уларнинг активлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ислом молия тизими асосан исломий банклар, сукук (исломий қимматли қоғозлар), исломий инвестиция фондлари ва такафул (исломий суғурта) каби сегментлардан ташкил топган.

Исломий банклар ислом молия бозорининг энг йирик сегменти ҳисобланади. Улар шариат талабларига мувофиқ равишда фойдасиз молиялаштириш механизмларидан фойдаланиб, турли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиради.

Сукук эса исломий қимматли қоғозлар бўлиб, улар давлат ва хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим молиявий инструмент ҳисобланади. Шунингдек, такафул ва исломий инвестиция фондлари ҳам молия бозорида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ислом молияси айрим мамлакатларда миллий молия тизимининг муҳим қисмига айланган. Хусусан, Эрон, Саудия Арабистони ва Малайзия ислом молия активлари бўйича етакчи давлатлар ҳисобланади.



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ислом молия тизими жаҳон молия бозорининг муҳим ва тез ривожланаётган сегментларидан бири ҳисобланади. Ислмо молия институтларининг фаолияти инвестицияларни жалб қилиш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида ҳам ислом молия бозорининг имкониятларидан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётга қўшимча инвестициялар жалб қилиш ва молия бозорини диверсификация қилишга хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ислом молия инструментларини жорий этиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва тегишли ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Hans Visser, *Islamic Finance: Principles and Practice*, 1-edition, 2009, p. 45
2. *Islamic Financial Services Industry (IFSI) Statistics* (qardus.com)
3. Jumaniyazov, I. (2020). Foreign experience in the activities of sovereign funds. *International Finance and Accounting*, 2020(2), 1.
4. Jumaniyazov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 109-116.
5. Jumaniyazov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 30-37.
6. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 4(2), 84-88.



7. Jumaniyozov, I. (2020). Issues of ensuring the transparency of sovereign wealth funds. *International Finance and Accounting*, 2020(5), 1.
8. Sudin Haron, Wan Nursofiza. *Islamic Finance and Banking System: Philosophies, Principles and Practices*, 1-edition, 2009
9. Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-765-сон қонуни, 20.04.2022 й.

© Олтаев Ш.С., 2026